

ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR: DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022

2022



ERNEST XEMINGUEY
(1899-1961)

Chol qushlar va zimlessa, belirin o'sha qoldirg'ochlarga achiqib ketar va qushlar turmushil, qirin-qora va katta kuchli qushlarni hisobga olmayardagi, bizning kuri kechirishimizga qarayardida, ham juda sige. Okean gohisa shu qadar ham berishni bolar elan, hime uchun qushlarni manz bi dengiz qoldirg'ochlari singan nozik va shikasta qiliq jarayinlar. Okean sadoq va zo'zal, urmo u zibo tozakdan shunday shaf-qatsiz bolib ketadi. Uning ustida ozig ilinida charyz urib shonig'is, olib va mangli ovoz bilen bir-birlariga jar belis uchjan su qushlar ungi intillaten bentnoye salib va mohi ko'rinishi.

"CHOL VA DENGIZ" ASARI



CONFERENCES.UZ

AVGUST №43

Toshkent shahar, Amir Temur ko'chasi, pr.l, 2-uy.

 +998 97 420 88 81 +998 94 404 00 00 www.taqiqot.uz www.conferences.uz

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ
АНЖУМАНЛАР:
6-ҚИСМ**

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ
КОНФЕРЕНЦИЙ:
ЧАСТЬ-6**

**NATIONAL RESEARCHES OF
UZBEKISTAN: CONFERENCES
SERIES:
PART-6**

ТОШКЕНТ-2022



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 43-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 август 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 10 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиши ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишлиланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илгор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

5.Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шохигда Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

6.Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобоҳонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Мусиқа ва ҳаёт

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаҳхоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулdir.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ЖУРНАЛИСТИКА

1. Абдюжанова Вазира Хусан қизи	
ПУБЛИЦИСТИК МАТНДА ФАКТЛАР БИЛАН ИШЛАШ: ТЕКШИРИШ ВА ТУЗАТИШ УСУЛЛАРИ	7



ЖУРНАЛИСТИКА

ПУБЛИЦИСТИК МАТНДА ФАКТЛАР БИЛАН ИШЛАШ: ТЕКШИРИШ ВА ТУЗАТИШ УСУЛЛАРИ

Абдюжанова Вазира Хусан қизи

Ўзбекистон журналистика ва

оммавий коммуникациялар университети

1-босқич таянч докторанти

E-mail: blaugranas_04@mail.ru

Аннотация: Мақолада факт тушунчаси, унинг публицистик матндағы роли, мұхаррирнинг фактлар билан ишлаша әътибор қаратиши зарур бўлган жиҳатлар, шунингдек, фактларни текшириш ва тузатиш усулларига әътибор қаратилган.

Калит сўзлар: мұхаррир, матн, факт, “factchecking”, манба, ишончлилик.

Журналистикада “факт” тушунчаси алоҳида аҳамиятга эга. Ҳар қандай журналистик материалда берилган ахборот воеа, факт ва далиллардан иборат бўлади. Шунингдек, оммавий ахборот воситаларида факт янгилик деб тушунилади. Факт — бу ишончли далиллар билан тасдиқланган воеа¹. Масс-медиа соҳасида фаолият юритаётган ҳар бир журналист ўзи тайёрлаган ва тарқатаётган ахборотнинг энг биринчи манбаси ҳисобланиб унинг тўғри ва ишончлилиги учун жавобгар саналади. Журналистиканинг етакчи тамойиллари ҳисобланган аниқлик ва ишончлиликка эришиш журналистнинг кундалик фаолиятидаги энг муҳим вазифаси бўлиб, айнан фактларни текшириш орқали амалга оширилади².

Текширилмаган, нотўғри маълумотларнинг тарқалиши, энг аввало, журналистнинг касбий салоҳияти етишмаслиги, ишга масъулиятсизлик билан ёндашганидан далолат беради. Журналист учун факт ҳар доим муайян қоидаларнинг ҳақиқат ёки ёлғонлигини тасдиқлашга, предметлар, ҳодисалар ўртасидаги боғланиш ва муносабатларни ойдинлаштиришга хизмат қиласди³.

Ҳар қандай факт текширилиши керак. Баъзида оммавий ахборот воситалари аудитория әътиборини жалб қилиш мақсадида ишончсиз ёки маҳсус ўйлаб топилган маълумотлардан фойдаланади. Бу усул аксарият ҳолларда ўқувчи ишончини йўқотишга олиб келади. Фактнинг манбаси ўзи каби муҳим саналади. Манба олинган маълумотнинг тўғрилигини исботлашга ёрдам беради.

Фактлар билан ишлаш босма оммавий ахборот воситаларида фаолият юритувчи, айниқса, муаллифлар кўлёзмаси билан ишловчи мұхаррир иш фаолиятининг муҳим жиҳатларидан бири саналади. Материалда келтирилган фактларнинг асл манбаларини аниқлаш кўлёзма таҳриридаги муҳим қоидалардан. А.Мильчин ОАВ турлари ичida босма нашрларда фактик маълумотлардаги хатолар кўпроқ учрашини ёзади⁴. Унинг қайд этишича, аксарият мұхаррирлар муаллифга тўлиқ ишониши сабаб фактларга унчалик әътибор беришмайди, иккинчидан, мұхаррирнинг кўлёзмада келтирилган фактларнинг тўғри ва ишончли

1 Фактчекинг: 5 надежных способов проверить информацию. <http://mediatoolbox.ru/factchecking/> 16.06.2022.

2 Н. Муратова, Н. Тошпулатова, Г. Алимова. Fake news: медиада дезинформация. Т.: “Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi”, 2020. Б.59. –104 б.

3 Накорякова К.М. Редактирование материалов массовой информации. М., 1994. <https://studfile.net/preview/6307281/page:101/> 15.06.2022.

4 **Мильчин, А. Э.** Методика редактирования текста [Текст] : научное издание / А.Э. Мильчин. - 2-е изд., перераб. - М. : Книга, 1980. - 320 с.



эканлигини текшириш бўйича малакага эга эмаслиги ҳам бунга сабаб бўлиши мумкин. Олимнинг фикрларини тасдиқлаган ҳолда айтиш мумкинки, фактлар билан ишлашда ҳам маълум қоида ва талабларни унутмаслик зарур.

Фактлар билан ишлаш жараёнида муҳаррир уларнинг моҳияти, янгилиги, қўлёзма қимматини белгилашдаги ўрнига эътибор қаратиши, тўғри, аниқ, ишончли ва тўлиқлигини текшириши, меъёридан ортиқ, кераксиз ўринларда ишлатилган маълумотлар ўкувчини кўзланган мақсаддан чалғитиши мумкинлигини ҳисобга олиши керак.

Таҳририят муҳаррири учун қўлёзмадаги ҳар бир воқеа, исм-фамилия, рақам, иқтибос, статистик кўрсаткичлар, яъни янгилик фонидаги ҳар бир элемент факт вазифасини бажаради. Қисқа қилиб айтганда, матнда акс эттирилган воқеликнинг ҳар қандай элементини факт деб аташ мумкин. Матнда келтирилган факт ахборотда янгилик, мулоҳаза юритишда далил, хуроса учун асос каби бир неча вазифаларни бажаради. Шу сабабдан муҳаррир матнда келтирилган фактлар қанчалик синчковлик билан танлангани, ишончлилиги ва ундан фойдаланиш кўзланган мақсадга мувофиқлигини, яъни қанчалик зарур ва етарли эканига алоҳида эътибор бериши лозим.

Матн билан ишлашда фактларни текшириш, бирламчи манбалар билан солиштириш муҳаррирнинг иш жараёнидаги асосий вазифаларидан саналади. Бу эса муҳаррирдан чуқур билим, маҳорат ва меҳнатни талаб қилиши билан бирга ишга ҳафсала ва қунт билан ёндашишни ҳам тақозо этади. Бугунги замонавий медиага кириб келган “Factchecking” термини узатилаётган ахборотдаги фактларни текшириш, уларнинг ишончли ва тўғрилигини аниқлашни ифода этади. “Factchecking” журналист учун одатий ишга айланиши шарт. Чунки у узатаётган информацияда келтирилган ноаниқ факт ёки маълумотлар биринчи навбатда унинг касбий обрўсига таъсир қилишини унутмаслиги керак. Журналистикада фактларни текшириш бу касбий зарурат саналиб, у ёки бу маълумотнинг ҳаққонийлигини акс эттиришга қаратилган, унинг тўғри талқин этилишини таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган фаолият туридир¹. Аудитория ишончи ва эътиборини йўқотиб қўймаслик, нотўғри фактларни узатиб юбормаслик сабабидан ҳам бугунги кунда маълумотларни текшириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим.

Муҳаррир таҳрирда фактларни икки нуқтаи назардан: мавзууни очишдаги роли ва уларнинг ҳақиқатга мос келиш ёки келмаслиги жиҳатидан таҳлил қиласи. Айни шу ўринда муҳаррир қўлёзмада келтирилган фактик материални таҳлил қилиш ва фактларни баҳолай олиш методикасини эгаллаган бўлиши шарт². Қўлёзма билан ишлаш давомида муҳаррир фактлар билан профессионал ишлаш усулини ўзлаштиради, бу усул керакли маълумотларни тез ва аниқ топиш, ҳар қандай маълумотни текшириш қобилиятини ўз ичига олади. Матн устида ишлашда келтирилган ҳар бир фактга эътибор қаратиш муҳим: рақамлар, қарор ва фармонлар, расмий, илмий, техник терминлар, иқтибослар, четдан ўзлашган сўзлар, умуман, факт фонидаги ҳар қандай маълумотга эътибор билан ёндашиш, улардан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлигини назорат қилиш муҳим.

Қўлёзма устида ишлаш мобайнида муҳаррир фактлар билан боғлиқ қуйидаги критерияларга амал қилишга ҳаракат қилиши лозим:

- ✓ Асл ва ишончли манбалар билан ишлаш;
- ✓ Турли манбалардан олинган маълумотларни солиштириш;
- ✓ Кўшимча маълумот олишга интилиш;
- ✓ Эксперт хуросасини олиш;
- ✓ Тасдиқланмаган манбаларга ишонмаслик ва б.ш.

Баъзи ўринларда воқеликка алоқадорлигини ҳисобга олган ҳолда айрим рақам ва статистик маълумотлардан воз кечиш мумкин. Аммо муҳимлиги жиҳатидан баъзи фактлардан воз кечиб бўлмайди, албатта. Муҳаррир учун фактлар 1) маълум, ишончли; 2) шубҳали; 3) номаълум турларга ажралиши мумкин. Аудитория олдидағи маъсулиятни хис қилган муҳаррир матндан фактларнинг тўғрилиги учун фақатгина муаллифни жавобгар ҳисобламай, ҳар бир факт устида текшириш олиб бориши мақсадга мувофиқ. Таҳририят амалиётидан маълумки,

1 Н. Муратова, Н. Тошпулатова, Г. Алимова. Fake news: медиада дезинформация. Т.: “Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa шуї”, 2020. Б.58. –104 б.

2 Тешабоева Д.М. ва бошқ. Журналистика. Медиалингвистика ва таҳрир. III жилд. Т.: Ўзбекистон, 2019. Б. 469. 522 б.



ҳар қандай фактик ноаниқликка нисбатан ўқувчи кескин муносабатда бўлади. Қолаверса, фактик хатолар ўқувчининг муаллиф ва таҳририятга бўлган ишончини йўқотишга сабаб бўлади.

Таъкидлаш керакки, матн мазмунини очиб беришда барча фактлар ҳам бир хил даражада аҳамиятга эга эмас. Бу ўринда мухаррирнинг асосий вазифаси мавзуни очиб беришга хизмат килувчи фактнинг ролини баҳолашдан иборат.

Мухаррир қўлёзма таҳририда матнда келтирилган факт ва маълумотларни турли усуллар ёрдамида текшириб, уларга аниқлик киритиши мумкин. Жумладан:

— Матнда келтирилган фактларнинг тўғри ва ишончли эканлигини қўлёзма муаллифи билан биргаликдаги фаолият давомида аниқлаштириш;

— Турли манбалардан олинган маълумотларни текширишда соҳа мутахассислари билан фикр алмашиш;

— Ихтисослашган муассасаларга мурожаат этиш;

— Китоб, энциклопедия, соҳага тааллуқли лугатлар, марказий газеталар ёрдамида текшириб кўриш;

— Интернет хизматлари, хусусан, қидирув тизимлари (Yandex, Google) ёрдамида ноаниқликларни аниқлаш;

— Матнда келтирилган воқеа-ҳодиса (учрашув, тадбир, конференция ва ҳ.к) ҳақида ижтимоий тармоқлар орқали, шунингдек, уни тармоққа юклаган шахс орқали қўшимча маълумот олиш;

— Воқеа-ҳодисага бевосита гувоҳ бўлган шахсларнинг фикр-мулоҳазаларини олиш.

Оммавий ахборот воситалари бутун эътибори ва ҳаракатини жамият учун муҳим саналган воқеа-ҳодисаларни ўз вактида аудиторияга етказиб беришга қаратар экан, мухаррirdан мусахҳихача у ўз фаолияти асосини ташкил этувчи жиҳатларга, хусусан, узатаётган ахборотининг холис, тўғри ва, албатта, ишончли эканига эътибор бериши касбий зарурат ва масъулият саналишини унумаслиги зарур.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 6-ҚИСМ

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусаҳҳих: Файзиев Фарруҳ Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.08.2022

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000